

**Сулаймон Мурод**

**ҚАЛБ  
ГАВҲАРИ**

*Шеър ва ғазаллар*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2008

*Мунис ва меҳрибон онам — Ҳайштой Бозор қизи  
ва падари бузрукворим Мурод Фаниевнинг ёрқин хо-  
тиralарига бағишлайман.*

**Маъсул муҳаррир:**  
**Рашид Аслонов**

**ISBN 978-9943-06-125-5**

**© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2008 йил.**

## СЎЗБОШИ

Олтиннинг софлигини аниқлаб берадиган маҳактош деган тош борлигини эшигтсансиз. Мен ўқитувчилик касбини маҳактошга менгзагим келади. Чунки у инсонни тарбиялайди. Агар муаллим ижодкор бўлса, толибнинг иқболи ўн карра кулди дегани. Нурли келажак, уфқи оппоқ манзиллар кутади уни.

Сулеймон Мурод — ана шундай табаррук касб эгаси. Муаллимликнинг машаққатли номи уни элга танитди, обрў эътиборли қилди. Қалби шеъриятга ошно адабиёт муаллими ўзининг чиройли лутфи, нотиқлик санъати билан давраларга кўрк бериб келади. Ижодкор-ўқитувчи сифатида шеърлари билан элга таниш. У илк китобини “Умид” деб номлаган эди.

Шоир орадан ўн беш йил ўтиб, янги китоби – “Қалб гавҳари”ни сиз-у бизга тортиқ қилиб турибди. Шоир қадоқ қўлли пахтакорларни улуғлаб “Бободеҳқоним” шеърида шундай ёзади:

Шарафли меҳнатта сарҳисоб айлаб  
Кўкрагин роз этар Бободеҳқоним.  
Тўпламдан неъматдан дастурхон шайлаб  
Меҳмонин кутади танти мезбоним.

Тўпламдан ўрин олган шеърларининг аксарияти инсоний фазилатларни улуғлашга, айниқса ота-она, устоз-муаллимларни қадрлаш мавзуига бағишлиланади. Профессор С. Алиевга бағишлиланган тўртлигида ёзади:

Оталик меҳрингиз қалбимда түғён  
Ургани сир эмас муаллим — устоз.  
Шеърият боғида сайр этиб ҳар он  
Сиз-ла юксакларга эттумдир парвоз!

Самимий мисралар. Умуман тўпламдаги шеърлар ва ғазаллар китобхонда илиқ таассурот қолдиради, мушаходасини кенгайтиради.

*Дилмурод Жабборов.  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*



## **ВАТАН МАДХИ**

Бағри кенг масканим, номингни тилга,  
Олганда жўш урар қалбимда туғён,  
Мадҳингни жо этиб доим дилимга,  
Куйласам титрайди, жумлаи жаҳон.

Дунёда тенгти йўқ гўзal Ватаним,  
Сенга фидо бўлсин тандаги жоним,  
Мехрингдан тўймасман, ижод маконим,  
Гуллайвер ҳамиша, боғу бўстоним.

Зар унар бағрингда, “оқ олтин” тоғинг,  
Кундан-кун юксалур, эй гулистоним.  
Чаманга бурканган яшнаб ҳар ёғинг,  
Оlamга танилдинг, Ўзбекистоним!

Истиқлол туфайли ростлаб қаддингни,  
Оғир синовлардан ўтдинг мардона.  
Бугун ғолибдирсан, ургин қаддингни,  
Курраи заминда қилиб тантана!



## **ҚАЛБ ГАВҲАРИ**

Илҳом дурларидан саралаб гулгун  
Гулдаста ясадим, азиз китобхон.  
Ўқиб, завқ олсангиз бўлардим мамнун  
Қалбим гавҳарлари Сизга армуғон.

Пайғамбар ёшига умрим етганда  
Қайтадан қизиди томирда қоним.  
Бофимда сайр этиб, ижод этганда  
Булоқдек қайнайди яна илҳомим.

Истиқлол нуридан бўлиб баҳраманд  
Назм гулшанида шодон кезаман.  
Шеърларим ғояси ҳаммани хурсанд,  
Этолса, Орзумга мен ҳам етаман.



## СОҲИБҚИРОН БОБОМ

(Амур Темурнинг 667 йиллигига)

Эзгуликни дилга жо,  
Эттан улуф инсонсиз.  
Оламаро мусаффо,  
Поёни йўқ осмонсиз.

Адолат ва озодлик —  
Муқаддас шиорингиз!  
Қайғу ўрнига шодлик,  
Ўрнатмоқ касб-корингиз.

Сиз келганда дунёда,  
Ҳукмрон эди зўрлик.  
Турон илму зиёга,  
Ташна бўлганди шўрлик.

Отга миниб шоҳона,  
Эрк туғин қўттардингиз.  
Халқимизни мардана,  
Курашга кўндиредингиз.

Душманларни беаёв,  
Қувдингиз юртдан, бобо,  
Зарбингизга бирор ёв,  
Дош бермай қочди расо.

Бирлаштириб халқингиз,  
Туздингиз буюк давлат.  
Шу эди орзунгиз,  
Озодлик ва адолат!



## КОМИССИЯ КЕЛАРМИШ

(Ҳазил)

Мудира мажлис дея,  
Ҳамкасларин жамлади.  
Эшикни очиб қия,  
Кимдир уни имлади.

Нима гап, айтинг, опа,  
Билсак бўларми дедим.  
Юрагим така-пука,  
Бозор чиқмоқчи эдим.

Ичкари киринг тёзроқ,  
Фаройиб янгилик бор.  
Сабр қилинг бир озроқ,  
Кўнглингиз чекмай озор.

Агар иложи бўлса,  
Олдинроқ этинг огоҳ.  
Дарсга комиссия кирса,  
Мени урмасин арвоҳ.

Хуноб бўлманг, дугона,  
Комиссия келмайди.  
Мажлис бу бир баҳона,  
Ҳеч ким сирни билмайди.

Шу пайт бирдан хонага,  
Директор кириб келди,  
Мактабга комиссия,  
Келишин эълон қилди.

Бошланди ғала-ғовур,  
Деди бирор: “Иш чаток!



Мен дарсимга ҳайтовур,  
Тайёрмасман, эй ўртоқ”

Бири чопди табибга,  
Бири бўлди бош оғриқ.  
Бири зиёфатга қўй,  
Қилмоқчи бўлди тортиқ.

Бири туриб ўрнидан  
Касбни улуғланг, деди.  
Муте бўлмай биронга,  
Мен тайёр деб, беш кетди.



## ДИЛ РОЗИМ

(*Ota tiliidan*)

Ҳаётни ўхшатгум чексиз уммонга,  
Үнда насиб этган сузмоқ инсонга.

Мен ҳам суза олдим, ўшал уммонда,  
Лаззат ола билдим, қолмай армонда.

Ўғил-қизларим бор, келин-куёвим,  
Саноқсиз неварам — моҳитобоним.

Сузишни ўргатган устозларим бор,  
Уларга таъзимим айлай беғубор.

Қай сўз билан бугун айлайн изҳор,  
Қалбим севинчини, азиз дўсту ёр.

Умрим неча йилdir, уни айтолмам,  
Оллоҳ берган ёшдан ортиқ яшолмам.

Шукрлар бўлсинким, орзумга етдим,  
Шогирдлар етказдим, баҳтимни топдим.

Ўғил-қизларимни қилиб уй-жойли,  
Неварапар кўрдим, дўндиқ, чиройли.

Улар камол топиб, бизни ёд этсин,  
Ота-оналарин дилин шод этсин.

Ота-онасининг борсин изидан,  
Бобо-ю бувисин чиқмай сўзидан.



Устозга эргашсин, ҳаётни билсин,  
Халқига беминнат хизматлар қилсин.

Дўстларим айладим дил розим баён,  
Ниятим сизларга бўлгандири аён.

## ЎЗБЕГУ ТОЖИК

Яшайди икки халқ бир жону бир тан,  
Бири ўзбек эрур, бириси тожик.  
Уларнинг маскани бўстону чаман,  
Бу ҳақда мавжуддир жуда кўп битик.

Азалдан ўзбегу тожик қон-қардош,  
Маслакдош ва сирдош, урф-одати бир.  
Роҳату кулфатда бўлиб елкадош,  
Ҳар қандай мушкулни ечмоққа қодир.

Фаргона водийси, Помир тоғлари,  
Тожигу ўзбекнинг сўлим макони.  
Бухоро гумбази, Ҳўжанд боғлари,  
Ўзбегу тожикнинг битта бўстони.

Ўзбегу тожикка қуда-андалик,  
Ота мерос эрур қадим-қадимдан.  
Борди-келди доим — йўқдир кандалик,  
Шукрки, шу халқнинг бир пайвандиман.

Назм гулшанида Жомий, Навоий,  
Сайр этиб ҳамнафас қилдилар парвоз  
Улардан завқланиб Садриддин Айний,  
Икки тил бобида бўлолди устоз.



Ҳикматлар яратиб Аҳмад Яссавий,  
Ақл-заковатдан этди нурафшон.  
Дўстликни улуғлаб устоз Рудакий,  
Инсонлар қалбини этди чароғон.

Ўзбекнинг Ойбеги, тожик Мирзоси,  
Хақиқат нурини сочдилар элга.  
Абдулла шеърию, Лойик пафоси,  
Жўрликда жаранглаб завқ берди дилга.

Жалол Икромийро бадастам гирам,  
Ба наздам пайдо шуд, “Духтари оташ”,  
Уни ўқигандага англадим бирам,  
Қалбларнинг қалбларга бўлганин тугаш.

Тўю томошада ўзбек гурунги,  
Саҳнада жаранглар тожик овози.  
Порлоқдир дўстликнинг эртанги тонги,  
Уларга ёр бўлсин лочин парвози.

Истагим: дўстларнинг юргида доим,  
Тинчлигу омонлик бўлсин барқарор.  
Аҳил-иноқ яшасин халқлар илоҳим,  
Дўстликни мадҳ этсин шоир, санъаткор.



## **БУХОРОДАН САДО КЕЛДИ**

*(Шаҳримизнинг 2500 йиллигига)*

Бухородан садо келди,  
Бугун катта тантана.  
Минораю мадрасалар,  
Ясанибди шоҳона.

Она шаҳрим, қувон бугун,  
Таваллудинг айёми.  
Кӯчаларинг бирам дуркун,  
Мафтункор ҳар эхроми.

Эслатасан менга доим,  
Кӯҳна тарих илмини.  
Ёдга олсам яйрар дилим,  
Мири Кулол номини.

Пештоқларинг ял-ял ёнар,  
Зарҳал тасвир нуридан.  
Кўрганларнинг кўзи қувнар,  
Нақшлар суруридан.

Имому фузалолар,  
Маконисан, Бухором.  
Фитрату Файзуллолар,  
Қалбингта берар ором.

Яшнасину ҳеч сўнмасин,  
Шаҳрим, хусну жамолинг.  
Кўшиқ бўлиб янграсин,  
Оlam узра камолинг!

## **НАВРЎЗ ЖИЛОСИ**

Яна юртимизда Наврўз жилоси,  
Табиат уйғониб, яшнади олам.  
Боғларга тараалар, булбул навоси,  
Дилларни тарк этди, қайғу, ғам, алам.

Қизлар толбаргакдан ясаб гулчамбар,  
Баҳордан руҳланиб, тақдилар бошга.  
Димоқقا урилиб ажиб мушк-анбар,  
Қалбларни ёритди ўхшаб қүёшга.

Наврўзда бошланур эзгу ой-ҳамал,  
Далаю қирларда қайнайди ҳаёт.  
Гуллардан тұтпрайди болари асал,  
Мафтункор жаранглар баҳорий баёт.

Харир күйлак кийган келинчак мисол,  
Пардасин юзидан олар бойчечак.  
Күклам қүёшидан нур әмған ниҳол,  
Мавжланиб чиқарап ям-яшил куртак.

Наврўзда авж олар ҳар хонадонда,  
Момолар гурунги, қизлар хандаси.  
Сумалак пишади кенг дошқозонда,  
Татиган оғиздан кетмас мазаси.

Истагим: бахш этсин Наврўз илоҳим,  
Ҳаммага қувончу бахту саодат.  
Юртимда янграсин қўшиқ ҳар доим,  
Эзгулик кўпайсин, ўчсин жаҳолат.

## **ОТА ЎГИТИ**

Ўғлим, лоқайд бўлма, лоқайдлик ёмон.  
Лоқайд кишилардан Худо ҳам безор.  
Лоқайд киши обрў топмас ҳеч қачон,  
Лоқайдлик дилингта етказар озор.

Дўстингни алдама, бўлмагин бебурд,  
Ҳаётда тўғри бўл, ёргуғдир йўлинг.  
Субутсиз устоздан ранжийди шогирд,  
Қатъиятли бўлсанг баланддир қўлинг.

Манманлик—жаҳолат, камтарлик — камол.  
Қай бирин танлашни унутма, ўғлим.  
Яхши хислат билан кўркамдир жамол.  
Номаъкул ишларга қўл урма, ўғлим.

Енгил-елпи яшашга уринсанг агар,  
Танглика учрайсан бир кунмас, бир кун.  
Ёшликда қийналиб ўргансанг ҳунар,  
Роҳатда яшайсан, бўлмайсан забун.

Илмга чанқоқ бўл, бўлма бепарво,  
Эринмай ўргангин илму фан сирин.  
Мансабни ҳеч қачон қўлмагин датво,  
Такаббур бўлмагин, бўлгин камтарин.

Ҳирс қўйма таъмаю нафсингта зинҳор,  
Учрама бир умр тавқи лаънатга.  
Ширинсўз бўлгину бўлма дилозор,  
Пандимга амал қил, қолма уятга.

## ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ

Баҳор фаслларнинг келинчагидир,  
У билан қайтадан яшарар олам.  
Экиннинг бу фасл беланчагидир,  
Унинг тафти билан уйғонар ер ҳам.

Баҳор шабадаси эсганда юрга,  
Шаҳдам қадам ташлар Наврӯзи олам!  
Деҳқонга вақт бермас ўйлов, сукутга,  
Қўзғалгин, мен сенга бўлай дер малҳам.

Бугундан бошланур чўлу биёбон,  
Тоғу тошлардаю боғларда ҳаёт.  
Бугундан эртанги мақсадга инсон,  
Интилар режасин этмайин барбод.

Мен ҳам нур эмаман бугунги кундан,  
Нега куйламайин унинг баётин?  
Ҳатто Момо еру Куёш ҳам ундан,  
Дариф тутмаган-ку бор саховатин.

Мана дастурхонда тансиқ таомлар,  
Сумалак пишмоқда дошқозонларда.  
Қўшиғу яллалар, мумтоз мақомлар,  
Дилдан янграмоқда хонадонларда.

Истагим: ўлкамиз буркансин гулга  
Йўлимииз Наврӯздек бўлсин нурафшон  
Сулаймон ўғлингман қаламни қўлга  
Олиб достон битай қолмасин армон.

## БЕЛЛАШУВ

(“ЗИЁ” жамоасининг табриги)

Ассалом, шифокор, меҳридарёлар,  
Эй, инсон умрининг чароғбонлари!  
Сизни табрик этиб аҳли зиёлар  
Даврага тўпланди, бор имконлари.

Табобат сирларин билгали обдан,  
Гиппократ, Синодан олгансиз таълим..  
Қувноқлик, зукколик бобида чандон,  
Сизга таълим берган устоз муаллим!

“Зиё” деб атадик жамоамизни  
Қалбларга нур сочмоқ шиоримиздир.  
Кундан-кун яшнатиш замонамизни  
Эзгу ният ҳамда уффоримиздир.

Муаллим ўқитган жаҳон илмининг  
Буюк алломаю, фидоийларин.  
Муаллим ўргатган ҳаёт назмининг  
Мунгли навосию нозик сирларин.

Фикримиз исботи: Фаробий, Сино  
Беруний, Термизий, Нақшбанд, Кубро  
Бухорий, Улугбек, Навоий бобо  
Жаҳонгир, Темуру, шоҳ Бобур Мирзо.

Мустақил диёрнинг ўғил-қизимиз.  
Истиқлол қуёши бизга парвона.  
Боболар ишидан ёруғ юзимиз  
Баҳсни бошлайлик, келинг, дўстона.

Кураща ким мағлуб, ким бўлар голиб,  
Бундан ўксинмайлик, қатъий сўзимиз.  
Қувноқлик, зукколик байробин олиб  
Пешқадам бўлолсак, ёруғ юзимиз.

## **АЁЛ МАДХИ**

Аёлсиз ҳаловат тополмас жаҳон,  
 Аёл борки, оламга таралар ёғду.  
 Аёл меҳри билан тебранади жон,  
 Аёл ҳамла қилса, йўқолур қутқу.

Аёл бўлган ерда тинчлик хукмрон,  
 Унинг табассуми эритар дилни.  
 Аёл ҳоҳиш қилса, мушкулинг осон,  
 Сугуриб олгандек хамирдан қилини.

Аёллар бахтимиз, тожу тахтимиз,  
 Уларсиз қоронгу, бизларга дунё.  
 Хиёнат қилмайин ичиб онтимиз,  
 Аёлни асройлик, ранжитмай асло.

## **БАҲОР БАЁТИ**

Келди баҳор айёми,  
 Оламга сочиб ёғду.  
 Янграб кўклам мақоми,  
 Чиқди авжига кулгу.

Табиатдан руҳланиб,  
 Уйғонди турфа гуллар.  
 Гул ҳидидан завқланиб,  
 Хониш қилди булбуллар.

Тоғу тош, дала қирга,  
 Тўшалди яшил гилам.  
 Ишлов бергани ерга,  
 Деҳқон шайланди шаҳдам.

Ўзгартириб либосин,  
 Тебранди ёш ниҳоллар.  
 Куйлаб баҳор нафасин,  
 Яйради жўшиб диллар.



## ҚУМСАШ

*(Она мактуби)*

Уйғун болам, бўйларингдан айланай  
Бизларни деб хат ёзибсан бир талай.

Раҳмат болам, бизни эслайсан доим  
Бахтилизга омон бўлгин илоҳим.

Отажонинг юмуш билан банд ҳозир  
Акаларинг меҳнат қиласр бесабр.

Лола опанг билим юртин илфори  
Укажонинг хонадоннинг шунқори.

Ҳилол синглинг ҳаммамизга овунчоқ  
Ўзимнинг ҳам сизлар билан кайфим чоғ.

Зерикмагин, бирин-кетин бизлар ҳам  
Канда қилмай хат ёзяпмиз дамба-дам.

Инсон учун энг кераги ирода  
Ўксимагин, мен уйдан деб йироқда.

Мард ўғлон бўл, фақат ўйла бурчингни  
Хизмат пайти кўрсатолгин кучингни.

Аскарлигинг шарафингдир, ўғлоним,  
Посбонимсан – арслоним, қалқоним.

Сендеқ ўғлим борлигидан мағурман  
Бебош, тантиқ фарзандлардан безорман.

Ҳалол хизмат этсанг оларман мадад  
Лоқайдлик қилма ҳеч. Келтирма уят.

Асл фарзанд ўйлар ота-онани  
Бебош фарзанд ҳароб қилар хонани.

Бу гапларни ўзингта деб билмагин  
Ақдлисан ўз йўлингдан тоймагин.

Бугун-эрта хизмат бурчинг тугайди  
Ховлимида тўй-тантана тинмайди.

Сен келганда ҳаста кўнглим ёришар  
Хешу табор, ёру дўстлар тўпланар.

Ота-она фарзандига ҳар доим  
Омад тилар, баҳтли бўл деб, илоҳим.

Дадил бўлгин, бизлар соғу саломат  
Кайфимиз чоғ, аҳволимиз аломат.

Саломимиз қабул этгин, дўмбогим  
Дўстлар билан ўйнаб кулгин тойчогим.

## ШОИРНИ ЭСЛАБ

(Зафар Диёр хотирасига)

Қалбингдан аrimас ҳеч қачон шодлик  
Ҳамиша қувноқсан шеъринг-ла шоир.  
Мадҳинг-ла куйланур эзгу ободлик  
Ижодинг мангудир меҳринг-ла шоир.

Шеърларинг, эй Зафар, ўзинг мисоли  
Ёшларга табассум бахш этар абад.  
Достону эртагинг диллар жамоли  
Ўткир дидинг бизга берур саодат.

“Ўртоқ қўзичоқ” у “Гунафша”нгни мен  
Ўқиб шодлангандим мактаб ёшимда.  
Ўспирин чоғимда “Совға”нгни қўлга  
Олганда қўзғалди кўп ҳис бошимда.

Қайноқ нафасингдан баҳор севинчи  
Барқ уриб келарди дўстимиз Зафар.  
Янги шеър, болалар, беринг суюнчи,  
Дея қувнар эдинг мисли кабутар.

Нодир сатрлар-ла эй дилкаш шоир  
Тириксан, мадҳинг-ла янграйди диёр.  
Яшнаган юрtingда ўзингта доир  
Ҳайкал ўрнатолдинг, эй Зафар Диёр.



## ЧҮЛДА

*(Бухоро-Хива саёҳати)*

Елиб бормоқдамиз чўллар оралаб  
Дашту саҳроларни қолдириб ортда.  
Анқиган чечаклар, лолалар яйраб  
Бизга таъзим қилиб боқар оҳиста.

Оби-ҳаёт сувин эмган гиёҳлар  
Флора дунёсин эслатар, э воҳ...  
Кенг водий гаштини татган сайёҳлар  
Аминман, фикримга бўлурлар гувоҳ.

Автобус ошиқар манзилга томон  
Тинимсиз чумоли карвони каби.  
Завқ билан бошқарар рулни Қаҳрамон  
Катта бир экипаж сарбони каби.

Дўстгинам, кўнгилга ажиб бир роҳат  
Бахш этар мусаффо чўлнинг ҳавоси.  
Бир марта ўтсангиз бу йўлдан, албат  
Бўлиб қолардингиз саҳро шайдоси.



## МУАЛЛИМ ҲАҚИДА ШИНГИЛ ШЕЪРЛАР

Сиз эмасми минглаб ижодкор,  
Фазокор олимга беролган таълим.  
Сиз эмасми қалби беғубор  
Оламга нур сочган улуғ муаллим.

\* \* \*

Сиз туфайли бу ёш авлод  
Қадам ташлар ҳаётга.  
Сиз туфайли ёзиб қанот  
Учмоқда коинотга.

\* \* \*

Сизга таҳсин, эй зиёли  
Сизга айтгум офарин.  
Йўлингизга дур сочгали  
Садқа бўлсин қўлларим.

\* \* \*

Ўқитувчи бор эканки,  
Камол топар ёш авлод.  
Ўқитувчи бор эканки,  
Хаёт қайнар умрбод.

\* \* \*

Қалб гавҳари тубсиз осмонда  
Порлаб турган юлдузга ўхшар.  
У ҳар доим бутун борлиққа  
Эзгуликнинг ёғдусин сочар.

\* \* \*

Кўнгил ойна каби тўйник, беғубор  
Унда акс этади борлиқ, мұхаббат.  
Уни синдиримангиз, чекмасин озор  
Билинг, синган кўнгил оғринар абад.

## ИЧОН ҚАЛЪА

Кўхна Хива бўйлаб мен сайд этардим  
Шунда таскин топди кўнглим ғазалдан.  
Кўплаб ёдгорликлар тўпламин кўрдим  
“Ичон қалья” экан номи азалдан.

Ундаги саноқсиз масжид, мадраса  
Хоразм ҳалқига тарқатган зиё.  
Ал жабр, фалсафа, тибу ҳандаса  
Оқими жўш урган мисоли дарё.

Кўрганда Шерфози. Оллоқўлихон,  
Паҳлавон Маҳмуду ва Хўжа Ислом.  
Ёдгорлиги менда гўё бир жаҳон  
Қолдирди таассурот ҳулласи қалом.

Унда қад кўтарган қошин минора  
Кўп йиллик тарихнинг тирик гувоҳи.  
Меҳнатда тобланган у жигарпора  
Уста наққошларнинг мангур арвоҳи

Ўтардим энтикиб Карвонсаройдан  
“Таги замин” бўлди менга намоён.  
Душман ҳужум қиласа юртта қўққисдан  
Бу ердан ичиб сув, сақлаганлар жон.

Туркман шеъриятин буюк пешвоси  
Маҳтумқули олган бу ерда таълим.  
Бу ерда улғайган ер юзин моҳи  
Табибу файласуф, физик ва олим.

Бу ерда қайноқи этганди ижод  
Ўзбек шеъриятин жарчи юлдузи.  
Олий даргоҳ бўлган жойни этиб ёд  
Сайёҳлар жўнатар бутун ер юзи.

## ТАДБИРКОР ШОГИРДИМСАН

(Нишонжон Искандаровга бағишлайман)

Ҳаёт бўронига беролиб бардош  
Олов ва сангдонда тобланган инсон.  
Бугун бошинг узра чараклаб қўёш  
Йўлингни ёритар фахрлан, Нишон.

Тақдирнинг изми-ла ота-онангдан  
Эрта етим қолиб, бўзладинг, ўғлон.  
Аччиқ тер оққанда иссиқ танангдан.  
Нажот уммонидан отилди вулқон.

Бу вулқон таптидан мурғак қалбингда  
Умид фунчлари очилди алҳол.  
Меҳр ўпичидан юз ва лабингда  
Юлдузлар чақнади мисоли ҳилол.

Туну кун ўйладинг: Етиб вояга  
Халқقا хизмат этсам бўлардим хурсанд.  
Интилдинг ҳамиша юксак қояга  
Ўнқир-чўнқирларни этмасдан писанд...

Мана, тадбиркорсан, дилинг беғубор  
Сени ёрлақасин Оллоҳ илоҳим.  
Меҳнатинг кетидан топгин ифтихор  
Эзгу орзуларинг ушалсин доим.

Барча заҳматларинг кетмади зое  
Азобу ташвишлар қолди орtingда.  
Бахтиёр яшагин, бўлмагин муте  
Адолат тантана қилган юрtingда.

Бугун қутлагани муборак ёшинг  
Тўпланмиш дўстларинг, яйради дилим.  
Сенга омад тилаб, силайди бошинг  
Устозинг Сулаймон, кўп яша, ўғлим!

## БАХТ ВА ШОДЛИК КУЙЧИСИ

Ўлмас асарларни яратган инсон  
Номингта ўқилур сўнгсиз тахсинлар.  
Куилашда ҳамма вақт “Зайнаб ва Омон”  
Достони кўнглимга берар таскинлар.

Асрий түфёнларни шеърий мисрангда  
Ифода этолдинг, эй шарқли шоир.  
Бахт ва шодлик куйи сенинг наърангда  
Жаранглаб турибди бу эмасдир сир.

Ижодда толмадинг, афсус, келажак  
Қаламнинг тебрашин кўра олмади.  
Буюк илҳомингни ёйолдинг бешак  
Лекин жисминг узоқ яшай олмади.

Муazzам юртингда мисоли Зухал  
Биз билан биргасан шоири замон.  
Насллар даврида сен қурган ҳайкал  
Магрур қад кўтарар, эй улуғ инсон.

## ПРОФЕССОР САИДЖОН АЛИЕВГА

Оталик меҳрингиз қалбимда түфён  
Ургани сир эмас муаллим — устоз.  
Шеърият боғида сайр этиб ҳар он  
Сиз-ла юксакларга этгумдир парвоз!



## **РАҚҚОСАГА**

Ўйинда тенгти йўқ опам Мукаррам  
Баҳор нафасидек тортади дилни.  
Доира чертганда Қаҳрамон акам  
Ларзага келтирас тинимсиз зални.

Ҳайратда қолдириб рақси-ла бизни  
“Баҳор”нинг тўридан жой олди Раъно.  
Нафис ҳар ишваси ўйнатар кўзни  
“Покистон” рақсини этганда ижро.

Хушовоз Тоштемир дилларни мафтун  
Этолди булбулдек қилганда наво.  
Муқаддам рақсини кўрганда бугун  
Санъат денгизига гарқ бўлдим, эвоҳ.

Эй “Баҳор” гуллари, ўз атрингизни  
Таратинг, анқисин, кенг рўйи жаҳон.  
Олтинга алмашманг ўз қадрингизни  
Сизни ардоқлайди, хур Ўзбекистон.

Эй санъат дарғаси, устод раққоса  
Халқимга этгайсиз яна кўп хизмат.  
Кўплаб шогирдларни етказиб роса  
Юз ёшни қаршиланг, шудир катта баҳт.

## **ИЛҲОМ БУЛОГИ**

Бағри кенг Ватанимнинг яйлови, тоғу тоши  
Иход учун шоирга эрур илҳом булоғи.  
Яшаса ким бу юртда етар осмонга боши  
Кундан-кунга нурланиб, чақнар кўзин қароғи.



## МУҲАББАТ АЛАНГАСИ

(Умр йўлдошимга бағишлайман)

Сени деб, ҳаётга келганман, англа  
Сени деб, тунларни ўтказдим бедор.  
Сени деб, ошиқлик ҳажрида ёндин  
Сендайин дийдорга етгум, вафодор.

Қалбимни тирнама, эзма дилимни  
Жаҳанинам қаърига итарма мени.  
Севги лаззати-ла кўтарсанг кўнглим  
Бағримга тортаман силаб бошингни.

Ҳарорат босмоқда қалбимни, эвоҳ  
Муҳаббат ўтида ўрганмаган ким?  
Ҳижрон азобига иккимиз гувоҳ  
Бизга мадад бергин, ўзинг ғоллоҳим.

Севгилим, билолмам, менинг соғ қалбли  
Вафодор ёргинам бўлоласанми?  
Айрим бўхтонлару гийбат сабабли  
Учраган тўсиқни енголасанми?

Ўксинма, жонгинам, бўлгин бехатар  
Хафланма, дадил бўл, мен сенга содик.  
Бошимга келса ҳам заҳарли ханжар  
Сен учун жонимни этгайман тортиқ.



## **ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ**

Истиқлол туфайли, эй Ўзбекистон,  
 Оламга таралди шуҳрату, шонинг.  
 Ким эдик, ким бўлдик Оллоҳга аён  
 Гуркираб яшнайвер, буюк имконинг.

Юртим, шитоб билан интилиб олға  
 Жаҳонга ёйолдинг ҳурлик зиёсин.  
 Дину диёнатни сен қилиб пеша  
 Пойтахти бўлолдинг Ислом дунёсин.

Сенинг шиҷоатинг олдида роса  
 Лол қолди Ҳинд, Эрон, Арабу Афғон.  
 Сенга ҳавас қилиб, олди андоза  
 Ироқу Туркия ҳамда Покистон.

Тарихнинг ҳар сатри сир эмас, ўлкам,  
 Буюк воқеалиқдан беради гувоҳ.  
 Жасур Тўмарису Широқдек ўқтам  
 Мардлар қўргонисан, эй улуғ даргоҳ.

Имом Бухорию Аҳмад Фарғоний  
 Ҳазрат Нақшбанду Нажмиддин Кубро.  
 Тибшунос Синою, олим Беруний  
 Довруғинг зикр этди бутун эл аро.

Танилди оламга Улугбек Мирзо  
 “Зичи Кўрагоний” асарин ёзиб.  
 Адолат, эрк учун жонини фидо  
 Қилганди бобомиз Темур юрт кезиб...

Мозийдан гап очсак етишмайди сўз  
 Юртимнинг бугуни тилларда достон.

Жамолинг кўргандада қувонади кўз  
Кўкка парвоз қилгин, ҳур Ўзбекистон.

Истиқлол меваси: ҳам пахта, ҳам дон  
Ажойиб қадамжо, кўркам бинолар.  
Юртим спортига тан бериб жаҳон  
Шаънингта айтмоқда ҳамду санолар.

Жаҳонни титратди бокс рингида  
Руслан Чагаеву Мұхаммадқодир.  
Рустам Қосимжонов шахмат жангига  
Матонат кўрсатди, биз бўлдик мағрур.

Кураш майдонида Абдулла Тангри  
Кучига лол қолди жумлаи жаҳон.  
Теннис ўйинида ўзбекнинг фахри  
Эканин Ирода кўрсатди чандон.

Шу юртда туғилиб ўсганим боис  
Уни мадҳ этишга ҳаққим бор ҳар он.  
Келажак авлодга қолдириб бир из  
Ёзолсам кошкийди катта бир достон.

## МУАЛЛИМНИ КУЙЛАЙМАН

(*Неварам Саодатнинг шеъри*)

Тенгти йўқ қалби дарё,  
Онадек улуг сиймо.  
Илм берар бир дунё  
Устозимиз муаллим.

Ўқинг дер: доим аъло,  
Устозимиз бебаҳо.  
Мехри иссиқ дилрабо  
Гамхўримиз муаллим.



Сўзлари ширин-шакар  
Юзлари ойдек балқар.  
Бундай инсон кўп яшар  
Сарваримиз муаллим.

## **БОБО ҚУВОНЧИ**

Сайр этардим ижод боғида  
Хаёлимни чулғади бир ҳис.  
Илҳом қайнаб келган чогида  
Үйқум бир оз панд берди, эсиз.

Үйғондиму қоғоз ва қалам  
Шоша-пиша олдим қўлимга.  
Ёзавердим танимга малҳам  
Сатрларни жамлаб кўнглимга.

Эшик қия очилиб аста  
Кириб келди Рустам – неварам.  
“Бобо”, деди кулиб оҳиста  
Бир ўйнайлик шахмат чинакам.

Майли, ўглим, ўйнаймиз бироз  
Дикқат билан юргин бехато.  
Қолдиролсанг тилайман парвоз,-  
Дея тошни сурдим бепарво.

Неварамнинг ўйнашин кўриб,  
Ич-ичимдан қувончга тўлдим.  
Енгилганим тан ола туриб,  
Чапак чалиб, мириқиб кулдим.

Орзум шуки: неварам бир кун  
Забт этолсин шахмат майдонин.  
Шунда халқим бўларди мамнун  
Гар кўтарса Ватан байробин.

## НЕВАРАМНИНГ ШЕЪРИНИ ЎҚИБ

Шеър ёзибди Саодат  
Ўқиб берайми сизга.  
Тингласангиз у роҳат  
Бахш этар кўнглингизга.

Шеър мазмуни аломат  
Қоғияси келишган.  
Мехр билан у фақат  
Суғорилган, тўлишган.

Она-диёр мадҳини  
Чин юрақдан куйлабди.  
Давримизнинг руҳини  
Митти шеърга жойлабди.

Завқ олиб боф-роғлардан  
Жўш урибди илҳоми.  
Осмон ўпар тоғлардан  
Учиб ўтмоқчи чоги.

Истагимиз Саодат  
Қилсин кўкларга парвоз!  
Шоира бўлиб албат  
Куйлайверсин хуш овоз!



## НЕВАРАМ ПАҲЛАВОНГА

Эрта тонгда уйқудан  
Уйғонарди Паҳлавон.  
Ойисига ёпишиб  
“Кетдик” дерди шу замон.

Эркалатиб боласин  
Олар бағрига она.  
Қайга кетамиз дея  
Излар эди баҳона.

Ойисиниг бўйнидан  
Маҳкам қучиб оларди.  
Оёқларин тебратиб  
“Қиқир-қиқир” куларди.

Келсин қани, дўмбоқчам,-  
Дея қўлимни чўзсан.  
Кучоғин очиб дарҳол  
Талпинар эди бирам.

Кўтариб неварамни  
Боқقا томон борардим.  
Хушбўй турфа гуллардан  
Унга узиб берардим.

Очиб бармоқларини  
Гулчаларни ушларди.  
Бошчасин қўмирлатиб  
Яйраб-яйраб куларди.

Кувонганимдан дердим:  
Улғай, болам, бенуқсон.  
Зурриётим – неварам  
Гулдай яшна беармон.

## ДАРСХОНАМ

(Ўқуви тилидан)

Дадам менга дарсхона  
Таҳлаб берди бир куни.  
Жиҳози шинамгина  
Кўрсангиз эди уни.

Дарсхонам ёруғ ва кенг,  
Кўнглимни этар бўстон.  
Жавони жуда ҳам бой  
Унда қўп эртак, достон.

Мактабдан қайтгач, ҳар кун  
Дарсхонамга кираман.  
Китобларимни кўздан  
Бирма-бир кечираман.

Стол, стул, жавоним  
Обдон артиб чиқаман.  
Ўқув қуролларимни  
Гард юқтирмай асрайман.

Мехр билан дарсимни  
Тайёрлайман мириқиб.  
Отажоним расмини  
Сийпалайман қизиқиб.

Қани дейман, отажон,  
Ҳамма ҳам сиздек бўлса.  
Фарзандига меҳрибон  
Юзидан нур ёғилса.



С.Муродов оила аъзолари билан.



С.Муродов рафиқаси Жумагул опа билан.



## **УНУТИЛМАС ОНЛАР**

*(Синфдошлар учрашуига бағишиланади.)*

Эллик йил ўтибди чиқмайди ёддан  
Үшал ўйинқароқ ғанимат онлар.  
Сабоқ олар эдик илму ҳикматдан  
Қалбларни чулғарди мунгли армонлар.

Устозлар таълимин жо этиб дилга  
Интилдик ҳаётдан топгани ўрин.  
Хизмат қилиш учун юрга ва элга  
Уммонга ташладик эзгулик түрин.

Уммон ҳаёт эрур, түр эса иқбол  
Кимга насиб қилас қайси бир хунар.  
Касбин эъзозлаган кўрмагай завол  
Касбдан улуф эрмас олтин, сийму зар.

Оллоҳга шукрким, қўлдан келгунча  
Жамият олдида этолдик хизмат.  
Қолган умримизни билак толгунча  
Ватан равнақи-чун сарфлайлик фақат.

Афсуски, сафимиз тўлиқмас бугун  
Ҳаётдан қўз юмган анча сафдошлар.  
Улар хотираси абадий дуркун  
Марҳумлар олдида эгикдир бошлар.

Унутмасмиз Сизни устоз, сафдошлар  
Ҳамиша биз билан ташлайсиз қадам.  
Келажак авлоду барча юртдошлар  
Ўчмас хотирангиз эслайди ҳардам.

## **БАФИШЛОВ**

*(Мактабни битириувчи ўқувчиларга бағишилайман.)*

Онадан туғилиб ёруғ дунёни  
 Кўрганда талпинар мурғак ёш авлод.  
 Вояга етганда жумла-жаҳонни  
 Ҳайратда қолдирап топиб камолот.

Интилиб нурафшон эзгу орзуга  
 Мактабга даставвал ташлайсиз қадам. .  
 Дуч келган мاشаққат ўтли ёйига  
 Тобланган пўлатдек берасиз чидам...

Чекилган риёзат эвазига сиз  
 Бугун олмоқдасиз бебаҳо ҳужжат.  
 Мустақил юртимиз равнақи учун  
 Ҳалол ва beminnat этингиз хизмат.

Бугуноқ ҳаётга олиб йўлланма  
 Истиқбол ортидан қувасиз толмай.  
 Олган сабогингиз бўлиб қўлланма  
 Сизга йўл кўрсатар пайсалга солмай.

Истайман қалбимдан: бирингиз олим,  
 Бирингиз қалби пок, хуш феъл муаллим.  
 Бирингиз соф виждон бўлинг шифокор,  
 Бирингиз муҳандис, бирингиз шофёр.

Бирингиз учувчи, бирингиз техник,  
 Бирингиз геолог, бирингиз химик.  
 Бирингиз ёзувчи, бирингиз шоир,  
 Бирингиз актёр – саҳнада моҳир.

Бирингиз санъаткор — уста раққоса,  
 Бирингиз бинокор — юртда ягона.



Бирингиз пазанда, бирингиз рассом,  
Бирингиз муганний — бергувчи илҳом.  
Бирингиз мунаққид — одил нуктадон,  
Бирингиз қонунни билгувчи обдон.  
Бирингиз тадбиркор, биринг чорвадор,  
Бирингиз брокер, бирингиз меъмор.

Бирингиз менеджер, биринг заршунос,  
Бирингиз ӣқтисодчи, бирингиз сарбоз.  
Қайси касбда бўлманг хизматни аъло  
Бажармоқ йўлида бўлинг жон фидо.

Шунда биз келажак жомини баланд  
Кўтарсак нур чақнар юзу кўзлардан.  
Шунда Сулаймон ҳам бўларди хурсанд  
Сиздек оташнафас ўғил-қизлардан.

## **ҚАЛБ НИДОСИ**

*(Қизим Лолаҳон тилидан)*

Муборак, отажон, қутлуғ ёшингиз  
Бахтилизга омон бўлсин бошингиз.

Боқий умр кўринг, бўлманг безавол  
Ҳаёт нашидасин суринг bemalol.

Фарзанд, неваралар бўлиб гиргиттон  
Атрофингиз ўраб юрсинлар шодон.

Отажон, ўксинманг, мен кексайдим деб,  
Ёшимни яшадим, сўнгти тўйим деб.

Ҳали умрингизнинг ярми ўтганмас,  
Орзунгиз жуда кўп, кети туганмас.

Қирқ йил сиз ёшларга бердингиз таълим  
Шоғирдлар сизни дер соғдил муаллим.

Сиздек отамиз бор, биз баҳтли инсон  
Илоҳим соғ бўлинг, токи бор жаҳон.

## **БОБОДЕҲҚОНИМ**

Юзларда таббассум, лабларда кулгу  
Озод юртим узра жаранглар созим.  
Мехрли кўзлардан чақнайди ёғду  
Қўшиқقا жўр бўлар янгроқ овозим.

Шарафли меҳнатга сарҳисоб айлаб  
Кўкрагин фоз этар Бободеҳқоним.  
Тўпланган неъматдан дастурхон шайлаб  
Меҳмонин кутади танти мезбоним.

Истиқлол офтоби — баҳт қомусимиз  
Довруғи таралди бутун жаҳонга.  
У билан мустаҳкам ор-номусимиз  
Эгик бошлар мағрур етди осмонга.

Адолат кўчати диёrimизда  
Ҳосилин бермоқда гувоҳмиз бугун.  
Фирромлик йўқ энди касб-коримиизда  
Faflatda қолмасмиз, чехрамиз гулгун.

Аҳдга вафо айлаб дуркун инжудан  
Кўкўпар хирмонлар уйган полвонсиз.  
Фаҳр этинг, форигсиз миннат, кутқудан  
Иқбол кулиб боқсан юртга ўғлонсиз.

Ҳалоллик ҳамма вақт келтирас шодлик  
Фикримнинг исботи — ушбу тантана.  
Тинчлик бўлган ерда бўлмас бедодлик  
Ҳақиқат енгажак, йўқдир баҳона!



## ОРЗУ

Мен инсон фарзанди, мақтамам ўзни,  
Олим бўлмасам ҳам кўнглим пок ва оқ.  
Мен кўра оламан чақнаган кўзни,  
Мурғак гўдакларга берганда сабоқ.

Онасин бағридан мактабга илк бор  
Қадам кўйғанларга боқаман зиддан.  
Дилимда кўпирав эзгулик, баҳор  
Гўё томчи ташлар меҳр кўзимдан.

Жажжилар қалбида порлоқ қуёшнинг  
Оlamни ёритган ёғудуси бордир.  
Олисни кўзлаган сорлочин қушнинг  
Тинимсиз парвози ёшларга ёрдир.

Шогирдим улғайиб, бўлса билимдан  
Ҳақиқат бўстонин яшнатар қалам.  
Коинот сирларин ўрганса обдон  
Соғлом тафаккурга бурканар олам.

Истагим: ёш авлод ўссин беармон,  
Оддий тупроқдан у яратсин мәъдан.  
Шунда қойил қолиб жумлаи жаҳон  
Устозни эсласин дилдан дафъатан.

## НУРОТА

Нурота аталмиш бу кутлуғ маскан  
Оллоҳнинг назари тушган макондир.  
Зиёрат этгали не мақсад билан  
Келганга раҳнамо нурижаҳондир.

## ШОДЛИК ТАРОНАСИ

(Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига)

Довюрак паҳлавонлар, ғалабангиз муборак.  
Шонли эллик йилликда дабдабангиз муборак!

Жанггоҳларда мард бўлиб, кўрсатингиз жасорат,  
Ёвларни ер тишлатиб, топдингиз баҳт-саодат.

Муқаддас тупроқ учун жон бериб, жон олдингиз  
Шукроналар бўлсинким, сизлар омон қолдингиз.

Ўша машъум кунларнинг ўтганлиги рост бўлсин  
Жаҳоннинг барча халқи бир-бирига дўст бўлсин.

Фаҳр этинг, отахонлар, дилларингиз беғубор,  
Бу кунларга етолмай шаҳид бўлганлар бисёр.

Чин дилдан эсланг бугун қуролдош ўғлонларни,  
Эркаланиб заминда ётган бағри қонларни.

Ер юзида янграсин тинчлик, дўстлик садоси  
Номи ўчсин урушнинг, бу Оллоҳнинг нидоси.

Омон бўлсин юртбошим халқимизнинг бошига  
Ўтюрак йўлбошчимнинг қойилман бардошига.

Муборак, муборак, шону шуҳрат муборак  
Шундай қутлуғ айёмда иззат, 'хурмат муборак!

## ТАЪЗИМ

*(Жарроҳ Раҳим Муродовга)*

Мен сиздан мамнунман, жарроҳ, бир умр  
 Кўлингиз дард кўрмай яшангиз бардам.  
 Бегараз ёрдамни кўрсатиб бир-бир  
 Беморлар дардига бўласиз малҳам.

Мен оддий bemorman умрим охирлаб  
 Қолди деб, Раҳимжон, Сизга учрадим.  
 Руҳимни кўтариб, оғриқни шарҳлаб  
 Давосин айтдингиз, шунда яйрадим.

Ташхисга тўпланди ҳамкаслар дарров  
 Фахриддин, Омонжон, Жобир, Ҳамиджон.  
 Юрак қон томирин уришин бирров  
 Текшириб кўрдилар, топдилар дармон.

Менга мадад бериб дармон хонага  
 Олиб кирган пайтда босди ҳаяжон.  
 Столга чиқдиму наркоз баҳона  
 Ухлашга уриндим, ором олди жон.

Ўйғонсан не баҳтки, сезилмас оғриқ  
 Бошимда Раҳимжон турибди кулиб.  
 Ою юлдуз мисол юзидир тиниқ  
 Севинчдан кўзимга ёш келди тўлиб.

Ташаккур билдирай хизматингизга  
 Ҳаётга умидим уйғоттан сизлар.  
 Доғ тушмасин асло либосингизга  
 То жаҳон тургунча яшанг, азизлар.

## **ҚУТЛОВ**

*(Ўқувчи тилидан)*

Янги йил келмоқда очилар кўнгил  
Ютуқлар кутмоқда биз бунга кафил.

Мустақил юртимнинг ўғил-қизимиз  
Жаҳонга танилдик – ёруғ юзимиз.

Илму ҳунар ўрганиб улуғ масканда  
Оқлайлик бурчимиз этмасдан канда.

Ота-онамизга бўлайлик содик  
Йўлимиш ёритсин фуснкор борлиқ.

Устозлар ўтитин этиб дилга жо  
Ишламоқ биз учун асл муддао.

Тенгдошлар, қисқача янги йил олди  
Истагим билдиримоқ муродим бўлди.

Сизни табриклайман қутлуг йил билан  
Омаду зафарлар тилаб чин дилдан.

## ЁР ЖАМОЛИ

Илҳом берар тонг чоғида  
Ёрнинг ҳусну жамоли.  
Қалбга ҳузур баҳш этади  
Хипча белу ҳилоли.

Тун қўйнида дилни равшан  
Этар жонон висоли.  
Баҳринг очар гар титраса,  
Унинг қадди камоли.

Вужудингни қамрәб олар,  
Ғунча даҳан, иболи.  
Кўнглингта йўл топар доим,  
Киприги ўқ вафоли.

Мақсадига етгали у,  
Шошар товус мисоли.  
Сўзларидан бол томади,  
Ишвалари сафоли.

Пинҳон тутар Сулаймондан,  
Меҳрин жуфти ҳалоли.  
Оллоҳга минг шукрларким,  
Балқиб турсин иқболи.

## СУЛУВ ҚИЗ

Хонатласдан кўйлак кийиб,  
Қиё боқар сулув қиз.  
Қошларига ўсма қўйиб,  
Дилга ёқар сулув қиз.

Сурма тортиб кўзларига,  
Мужгонларин титратар.  
Сайқал бериб юзларига,  
Ошиқ кўнглин яиратар.

Қани, энди шундай гўзал,  
Висолига етсайдим.  
Умр бўйи ёзиб ғазал,  
Унга ҳадя этсайдим.

Вафоли ёр дилга дармон,  
Белга қувват, кўзга нур.  
Фахрлангин, эй Сулаймон,  
Ёринг билан бир умр.

## ЮРТИМНИ КУЙЛАЙМАН

Мустақил юрт ўғлиман,  
Баланд күттаргум бошим.  
Туркий улус наслиман,  
Қирғиз, қозоқ қондошим.

Бобомдир Амир Темур  
Турон заминнинг шоҳи.  
Илҳом берар бир умр  
Менга ул руҳи поки.

Бахоуддин Нақшбанд  
Шажараси бебаҳо.  
Улугбекдек донишманд  
Илми нужумда танҳо.

Тарих салномасида  
Ўғлонларинг ўрни бор.  
Илм фан ҳавзасида  
Балқиб тургин бегубор.

Порлоқ эрур ватаним  
Истиқболи, шубҳам йўқ.  
Бахтиёр яшар ҳалқим  
Бундан менинг кўнглим тўқ.

Ривожланиш бобида  
Сенга тан берди жаҳон.  
Оламаро кўп тилда  
Мадҳинг янгради обдон.

Тўлқинланиб мен доим  
Кўзга суртай тупроғинг.

Жаҳон бўйлаб илоҳим  
Шуъла сочсин чироғинг.  
Жаннатмакон бўстоним  
Нур олар сендан жаҳон.  
Куйлай мадҳингни доим  
Дилда қолмасин армон.


## **ИСТИҚЛОЛ ОФТОБИ**

Нур таратди ўлкамизга  
Истиқлоннинг қуёши.  
Ўзида йўқ завқҳа тўлди  
Юртимиз кекса-ёши.

Халқимиз орзулари  
Ушалмоқда бирма-бир.  
Кутган эди ўтмишдошлар  
Шу кунларни бесабр.

Энди, юртим, Чўлпон каби  
Фарзандларинг букилмас.  
Энди ҳеч вақт Усмон каби  
Шоирларинг хор бўлмас.

Мана, бугун оламаро  
Юртим, жаранглар номинг.  
Жавоҳирдек дилга оро  
Берар кутлуғ айёминг.



## **ҚАЛБ**

Қалблар бор, ҳаммани тортар бағрига  
Қалблар бор, барчани сурар нарига.  
Қалблар бор, сирини очар ёрига  
Қалблар бор, нишини санчар барига.

Қалблар бор, ҳамиша мавжланар ёғду  
Қалблар бор, заррacha күрингас эзгу.  
Қалблар бор, ҳеч кимга солмайди күтқу  
Қалблар бор, юзланса жирканар күзгу.

Қалблар бор, у томон талпинар инсон  
Қалблар бор, сесканар ундан тирик жон.  
Қалблар бор, у билан ёруғдир жаҳон  
Қалблар бор, дастидан олам зимиштон.

Истагим: ҳар бир қалб осмон мисоли  
Тиниқ ва мусаффо бўлсин илоҳим.  
Пўртана — лойқа сув, бадбўйдан холи  
Бўлсину. борлиққа нур сочсин доим.

## ДОГДА ҚОЛДИМ

Учраб йўлимда олғир, алдандим доғда қолдим,  
 Кўрсатди ўзин “ботир”, сескандим, доғда қолдим.  
 Ици бошласам, у ҳозир, суюндим, доғда қолдим,  
 Шу эканми деб тақдир, ютундим, доғда қолдим.

Қайга борсам ортимдан югуради чопқиллаб,  
 Мени ташлаб кетманг деб, ялинади ҳиққилаб.  
 Енгил-елпи ишларга чиранади ҳарсиллаб,  
 Тузалар деб, бесабр, уриндим доғда қолдим.

Осонгина бу айёр пинжимга кириб қолди,  
 Боримни щилиб бисёр, ҳолимни хароб қилди.  
 Ҳар лаҳзада бу беор елкамга чиқиб олди,  
 Сирларин билиб охир, ўргандим, доғда қолдим.

## ОНАЖОНИМ

Мурғак гўдак эдим Ватан бошига  
Кулфат тушганини сўзлардинг, онам.  
Термулиб боққанда кўз ёшларингта  
Ухла, деб бошимни силардинг ҳар дам.

Алла айтар эдинг ғамгин оҳангда  
Маъюс юзларингта боқардим тўймай.  
Кўкрагинг тағтидан чиққан алнга  
Мехридан қонмасдим кўзимни юммай.

Қандай даҳшат экан, энди ўйласам,  
Тиниб-тингчимасдинг бирпас, онажон.  
Нон деб чинқирадим, кўзимни очсам,  
Ана ҳозир, дердинг йиглаб бедармон.

Унутмам, ҳеч қачон, у мудҳиш дамлар  
Ҳамон кўз олдимда айланар бир-бир.  
Ҳайхот! Онажоним, изгирин тунда  
Фарзанд деб елардинг, қалтираб дир-дир.

Энди фахрлангин, меҳнатинг зое  
Кетмабди, онажон, тарихдир гувоҳ.  
Бағрингда улғайдим, мана, мен бугун  
Сенга қанот бўлгум, қўлласин Оллоҳ!

## **МЕХРИДАРЁ**

Бормикан дунёда сендек бағри кенг сиймо, онам,  
Бормикан меҳри булоқ, жўшқин оқар дарё, онам,  
Ҳеч топилмас сен каби виждони пок, танҳо онам,  
Бир умр қалбимдасан, ёдимдасан, дунё онам,  
То тирикман ҳар сўзингга бош эгай, илло онам.

Сочларинг ҳар толаси доим эрур меҳригиё,  
Кўзларингнинг гавҳари йўлиғадир нуру зиё,  
Оқ сутингнинг қуввати дардимгадир ҳар он даво,  
Тунлари бедорлигингта жонгинам бўлсин фидо,  
Таъзимим айлай бажо дилдан жўшиб, зукко онам.

Онажон, ҳеч қонмагайман мадҳиянг ёзган билан,  
Кеча-кундуз толмагайман изларинг кезган билан,  
Бир дақиқа тўймагайман суратинг чизган билан,  
Қалбгинангта йўл тополмам кўз ёшим сизган билан,  
Кўзларимга хоки пойинг суртайин, зебо онам.

## ҚИЗИМНИНГ ШЕЪРИ

Уч йил бурун боғимизга  
 Олма кўчатин қурдим.  
 Тиним билмай кеча-кундуз,  
 Парвариш қилиб турдим.

Бир куни кулиб дадам менга  
 Завқли нигоҳ ташлади.  
 “Табриклайман, қизим”,—дека  
 Боққа томон бошлади.

Мана, қизим, кўчатингни  
 Гуллаганин кўр, деди.  
 Товланиши қандай ажиб,  
 Чарақлаган нур, деди.

## ТЎРТЛИКЛАР

Ёшлик фуурими ёки манманлик,  
 Нега катталарни қилмайсан ҳурмат,  
 Вояга етказган кекса донолар  
 Қалбидан, ўрин ол, ишидан ибрат.

\* \* \*

Шундай бир йўл борки, адашмас инсон,  
 Ундан юрганларга йўқдир хавф-хатар,  
 Шундай бир йўл борки, ким юрса ундан,  
 Манзилга етолмай ташвиши ортар.

## **ДОРИЛФУНУНГА**

Манзилга ошиқан лочиндеқ парвоз  
Этдим бағринг томон, эй нурли ошён!  
Онгимни ўстирдинг, йўқдир эътиroz,  
Энди мен шаъннингни мадҳ этгум ҳар он.

Келиб сенда билдим: толиби илм,  
Завқланиб мақсадга ета олганин.  
Келиб сенда билдим: ёшлик истагим,  
Мақсад-муддаога тугал етганин.

Беш йилдир изминг-ла тингладим сабоқ,  
Чанқоқлик ҳовримни босолдинг ўзинг.  
Бахтлиман, негаки, ҳаётим порлоқ,  
Қалбимни мунаvvар айлади сўзинг.

Қайноқ кенг қучофинг — ижод маконим,  
Олқишим сенгадир, мен сендан мамнун.  
Камолга етказдинг, бутлаб иймоним;  
Ишончинг оқлагум, эй дорилфунун.



## СЕВГИЛИМ

Тунлари қалбимда доим нурланарсан, севгилим,  
Фамга ботган дамларимда шод этарсан, севгилим.

Ёнгинамда бўлганингда тарқалур андуҳларим,  
Чорласам товус мисоли нозланарсан, севгилим.

Ўйласам барно бўйингни жўш урап илҳомларим,  
Чунки ишқинг меҳри бирлан мавжланарсан, севгилим.

Талпиниб бахтимни топдим, қолмади армонларим,  
Бошлаган ҳар бир ишимдан завқланарсан, севгилим.

Қоматинг жилвасидан лаззат оларман ҳар қачон,  
Суқланиб ҳуснингга боқсам, лол қоларсан, севгилим.

Йўлларимга кеча-кундуз пурвиқор офтоб мисол,  
Жонга ором баҳш этай деб, нур сочарсан, севгилим.

Ёргинам, дўстинг Сулаймон, сенга содик, бир умр,  
Шубҳа йўқ, кўнглимга доим йўл топарсан, севгилим.

## ИШОНГИН

Бир умрга содифингман, вафодорим, ишонгин,  
Ардоқлагум муҳаббатинг, гулбаҳорим, ишонгин.

Сарвиқомат бўйларингта мафтун этдинг, жонгинам,  
Шайдо бўлдим висолингта, беғуборим, ишонгин.

Севгимизга рахна солса ул ғанимлар бир куни,  
Этмагайман ҳеч хиёнат, беозорим, ишонгин.

Ишқим ўти түфён уриб, уммон каби мавжланур,  
То тирикман ҳадя этгум дилда борим, ишонгин.

Эй дилбарим, дил розимни шарҳ этолмам сўз билан,  
Куйлагумдур мадҳинг мудом, қўлда торим, ишонгин.

## **АССАЛОМ НАВРҮЗ!**

Ассалом, Наврӯзи олам!  
Гулга буркандик бутун.  
Янграамоқда ҳамма ёқда  
Дилрабо қўшиқ бугун.

Сайр этиб бўстону боғда,  
Янги йил гаштин суринг.  
Завқланиб, дилдан жўшиб,  
Нурли ҳаёт баҳтин кўринг.

Суқланиб боқди уфқдан  
Пардасин олиб қуёш,  
Нурланиб борлиқ ила,  
Қолмади кўзларда ёш!

Ағёр айтиб шоду хуррам,  
Жаранглатинг ҳар ённи.  
Парвоз этиб булбул мисол,  
Кезинг жумла жаҳонни.

Лоларанг анвойи гуллар  
Товланар минг ноз ила.  
Янги йил мадҳини дилдан  
Янгратингиз соз ила.

Оппоқ ойдин кечалар  
Бўлди бутун кундузга тенг.  
Чўпону ишчию деҳқон  
Илҳом олиб, шимарди енг.

Мушку анбар ҳид таратди,  
Ложувард гуллар чунон.

Завқланиб, шодликка тўлди  
Кекса-ёш, қизу жувон.

Навбаҳор кўз-кўз қилиб,  
Оlamга ёйди сепини.  
Табиат шабнам сувидан  
Ювди ўз юз-бетини.

Ахду паймон қилишиб,  
Боғлаб белга камарини.  
Ҳайдади чўлга чўпон  
Кўкни кўриб отарини.

Водию қиру адирлар,  
Уйғониб кийди либос.  
Гул-чаман мадҳини булбул  
Куйлади хуб дилнавоз.

Руҳланар она-табиат  
Жилвасидан кўзу қош.  
Ҳамма ёқقا меҳри тошиб,  
Нур сочар кўқдан қуёш.

Ўлкамизга келди Наврўз,  
Равшан бўлди кўнглимиз.  
Янги йилга садқа бўлсин  
Борлиғу имконимиз!

Зулфи сунбул соchlарингдан  
Ургулай фасли баҳор!  
Турфа гулли боғларингда  
Сайр этарман ҳар нахор.

**Ҳамма:**

Жўр бўлиб рақсга тушайлик,  
Қўшиғу куй янграсин.  
Янги йилни мадҳ этувчи  
Торимиз жарангласин.



## ХАСАДГҮЙ

(Ичиқоралар ўқимасин)

Ўз ишидан мақтаниб, довруқ солар хасадгүй  
Учратса йўлда кимни гапга олар хасадгүй.

“Сен ундоғу мен бундок” доим унинг шиори,  
Гўё оламда танҳо устун бўлар хасадгүй.

Ўтиrsa давраларда бош қотирар вақиллаб,  
Курбақа мисол доим сапчиб тушар хасадгүй.

Атрофдаги кишилар “сұхбати”дан донг қотар,  
Қойил қилдим, ҳаммани деб, бонг урар хасадгүй.

Мақтаманг асло уни, чопиб чиқар елкага,  
У бало бир касофат, жонга тегар хасадгүй.

Ким ундан келса устун, кечакундуз ичини ер,  
Қора ҳакка мисоли дўстдан куяр хасадгүй

Кўрса тадбиркор раҳбар ёки камтар кишини,  
У саводсиз, ношуд деб, ифво қилар хасадгүй.

Иши юришмай қолса, кириб олар пинжинигта,  
Қора ният йўлида имкон топар хасадгүй.

Эй Сулаймон, пайт келди, топиб қарор ҳақиқат,  
“Найзабарг”нинг нишидан “шифо топар” хасадгүй.



## ПЕШКҮМИСАН

Довруғинг оламга машхур, навқирон Пешкүмисан,  
Беҳисоб дуриңг билан бойлик макон Пешкүмисан,  
Меҳмону мезбонларинг ширин забон Пешкүмисан,  
Меҳнат аҳлинг турмуши хўб фаровон Пешкүмисан,  
Иқболинг порлоқ эрур, соҳибнишон Пешкүмисан.

Толмадинг, елдинг, югурдинг, сарф этиб хизмат чоғинг,

Яшнади сахрою чўлда пахтазору боғларинг,  
Бебаҳо “оқ олтин”ингдан кўкка бўй чўзди тоғинг,  
Ишда доим пешқадамсан, гулга тўлсин ҳар ёғинг,  
Офарин, эй баҳти кулган, шонга-шон Пешкүмисан.

Марди майдон шербилаксан, ҳалқ ишончин оқладинг,  
Даштни бўстон этгали ғайрат камарин боғладинг,  
Дур унар кўриқ очиб, Варахшани боғ айладинг,  
Техника бўлди мададкор, катта хирмон тикладинг,  
Беллашиб ҳар соҳада ошдинг довон, Пешкүмисан.

Кун сайин бўлмоқда обод қўчаю қишлоқларинг,  
Чорвага маъмул эрур қишу адир, ўтлоқларинг,  
Тўтиё этсамда арзир, зар унар тупроқларинг,  
Фанда из қолдирди мангу тунлари уйғоқларинг,  
Гулла, эй Сино диёри, ҳур макон Пешкүмисан.

Кўтариб чиқди ташаббус Ширину Бўрон, Намоз,  
Қаюму Раҳмон Раҳим, Кумри, Жумалар сарфароз,  
Чўлкувар ўғлонларинг меҳнатда тинмай қишу ёз,  
Маррага етди улар, таърифласам ҳар қанча оз,  
Куйлагай мадҳинг Сулаймон, жонажон Пешкүмисан.

## АНДИШАСИЗ

Андишасиз одамда йўқдир ҳаё, оқибат,  
Оғзига не келганин сўйлайди, бефаросат,  
Тикан санчилганида тан олишин жароҳат,  
Сезганида бу қадар бўлмас эди касофат.

Очиқ кўнгил кишилар даврасида ўтирса,  
Рахна солар яхшилар суҳбатига бир пасда,  
Кир ахтарар ҳар сўздан гар қошини чимирса,  
Ором олар дўстликнинг илдизини кемирса.

Тоза виждон эгаси интилса янгиликка,  
Қора ният соҳиби ич-ичидан емрилар.  
Тадбир билан мард киши чора топса тангликка,  
Нокас ичдан зил кетиб, ўз ёғига қоврилар.

Завқли ҳаётни бугиб, уруш-жанжал чиқармоқ  
Ўйловсиз бебурдларнинг эрур доим шиори.  
Халқда бор шундай нақл: кимга етказсанг зарар,  
Бир кунмас-бир кун сенга қайтар унинг озори.

Андишасиз бебурдлар битиргунча ишини,  
Яхшиларнинг олдида тўлғонади илондек.  
Мақсадига эришгач, ғижирлатиб тишини  
Қалби покларга зимдан сочар захар чаёндек.

Ҳикмат борки: бўхтонни парчалагай ҳақиқат,  
Кибру ҳавоси бордан юз ўтиргай башарият.  
Истиқболнинг йўлини тўсолмагай кабоҳат,  
Ҳар қандай мушкулотни енггай сабру қаноат.



## ОНА—УЛУФ ЗОТ

(*Онам хотирасига бағишлайман*)

Мижжасини қоқмайин тунларни бедор  
Үтказган бағри кенг ким, у улуг зот.  
Менинг назаримда бамисли баҳор  
Жаҳонни яшнатган она умрбод!

Зулмат пардасини йиртиб осмондан  
Уйга шуъла сочар чарақлаб юлдуз.  
Беланчак тебратар она заминда  
Фарзанд оромини бузмайнин ҳануз.

Тушда ваҳимали гувиллар шамол  
Гоҳ тун қўйнида қичқирар хўроз.  
Дилбанди ёнида она бемалол  
“Алла”син куйлайди бўлиб сарфароз.

Бешикда пишиллар она дармони  
У қувонч, у умид, у баҳт булоғи.  
Негаки онага аёндир бир кун  
Шу бўлар бащарнинг суянган тоги.

Хаёл уммонида бир лаҳза она  
Фарқ бўлар гўёки пайдар-пай йиллар.  
Физиллаб ўтар-у, ўғли мардона  
Юксак тоғ чўққиси сари интилар.

“Олға бос, шунқорим, чиққин қояга,  
У ердан кузатгин бутун оламни.  
Оналар мақсади фарзанд вояга  
Етсину, кўрмасин дарду аламни”, —

Дея қуличини чўзиб, ҳайқириб,  
Она талпинади ўғлига томон.

Шу онда бешикка боши урилиб,  
Сесканар, билсаки, ухлабди бир он.

Қани энди билсак, шундай улуг зот  
Бизни деб сарф этган талай хизматин.  
Кошкийди оналар номига иснод  
Келтирмай, қозонсак доим ҳурматин.

## **ОШИҚ ЙИГИТ ИЗТИРОБИ**

Энтикиб йўлингда бўлдим интизор  
Эй менинг фунча гул, нозик ниҳолим.  
Сахий бўл, мадад бер, бермагин озор  
Сенсиз яшолмасман, лафзи ҳалолим.

Лайлию Шириндек дилбар қоматинг  
Кўрганда бўлурман васлинг асири.  
Қалбимни ром этиб нозик иффатинг  
Дилимни яшнатар, қолмас губори.

Азизам, не учун ёзган хатимга  
Вақт топиб, бир энлик жавоб ёзмадинг?  
Хажрингда дол бўлиб қолган қаддимга  
Малхам бўлишингни наҳот сезмадинг.

Изтироб чексам ҳам сендан ҳеч қачон  
Нолимам, маҳбубам, токи жоним бор.  
Фақат шум тақдирдан қўрқаман ҳар он  
Бизни айирмасин ва этмасин хор.

Вафоли ёrim бўл, иккиланма ҳеч  
Сени ардоқлагум, чекмассан озор.  
Сўзимни ўқиб ол: “У ёрингдан кеч”, -  
Деганлар сўзига учмагин зинхор!

Бир кун қуражакмиз ахил оила  
 Ишончим комилдир, йўқдир эътиroz.  
 Истиқдол мадҳини қуйлаб завқ ила  
 Юксак чўққиларга этармиз парвоз!

## **ЖОНОНАСАН**

Кўнглима эртаю кеч меҳринг тошар парвонасан,  
 Ой каби ҳусну жамолинг нур сочар жононасан.

Кўп машақат бирла етдим мен сенинг дийдорингта,  
 Гул юзу мурча миён, бағрим очар мастонасан.

Ишваю нозу карашманг олдида шамсу камар  
 Қанча оро берса ҳам ортда қолар, нурхонасан.

Элга хизмат этсаму ҳурматни топсам бешумор.  
 Қимматим сенга, Мушарраф, мисли зар дурдонасан.

Жайхуну Сирнинг суви пишқиб оқар манзил томон,  
 Сендаги ишқ ўти ҳам учмай ёнар, сайдёрасан.

Истадим: умрим бўйи шаънингта досгоним битай,  
 Бил буни, доим Сулаймон шарх этар, ошкорасан.



## ҚОМУСИЙ ОЛИМ

(*Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига  
багишлайман*)

Ибн Сино эрур энг буюк олим  
Табобат бобида тенгсиз аллома.  
Унинг ўйтларин ўрганиб доим  
Шогирдлар туздилар катта “Бахтнома”.

Беруний шогирди барча фан сирин  
Бирма-бир ўрганди мукаммал, изчили.  
Ўрганган илмини синчиклаб барин  
Амалда қўллади тинмай астойдил.

Натурал сонларнинг квадратларин  
Тўққизга бўлинишин берди асослаб.  
Унинг “Донишнома”, “Аш-шифо”ларин  
Бирорта асарга бўлмас қиёслаб.

“Сонлар фани”, “Аш-шифо”нинг бўлими  
Ундан бизни чиқармоқча хуноса.  
Бўлинишу қолдиқ нима, тўғрими  
Фикримизни исботлаймиз дуч келса.

Имкони борича ўрганиб ҳар он  
Бобомиз илмига қиласиз амал.  
Уни устоз билар жумлаи жаҳон  
Чунки ҳар жумбоқни у этолган ҳал.

Нафақат бобомиз улуғ тибшунос  
Балки у тарихчи ҳам математик.  
У жуғроф, файласуф ҳамда тилшунос  
Ундан мерос қолди бебаҳо битик.

Оlamга таратди Афшона номин  
Ибн Сино бобом – қомусий олим.

Доим ёдга олиб ҳар бир каломин  
Устозга бош эгиб, этамиз таъзим.

## ПОСТДА

Тим кеча. Сезилмас ҳеч нарса саси  
Оёгин босмоқда бирор оҳиста.  
Автомат ушлаган ўзбек аскари  
Кипригин қоқмасдан турарди постда.

Кўққисдан бугалар тебранди нимжон  
Яшиндек мўлжалга интилди пичоқ.  
Жасур посбон эса хавфни нишонга  
Олганда, бошидан мушт урди айғоқ.

Бир онда оташ қалб кетиб холидан  
Жосусга тикилиб, йиқилди ерга.  
Қониб ичмоқ учун аскар қонидан  
Йиртқич эчилганди ботса ҳам терга.

Бир қошиқ қонини душманга раво  
Кўришга жангчидаги йўқ эди тоқат.  
Сўнгти бор кучини тўплаб, у расо  
Калхатга ташланди, келди деб фурсат.

Мард ўғлон рақибин қориб қонига  
Мана, қониб ичгин, эй очкӯз жаллод,  
Дея террорчининг жирканч буйнига  
Тавқи лаънат тошин осди умрбод.

## **Мундарижа**

Сўз боши.....	3
Ватан мадҳи.....	4
Қалб гавҳари.....	5
Соҳибқирон бобом.....	6
Комиссия келармиш.....	7
Дил розим.....	9
Ўзбегу тохик.....	10
Бухородан садо келди.....	12
Наврўз жилоси.....	13
Ота ўғити.....	14
Фасллар келинчаги.....	15
Беллашув.....	16
Аёл мадҳи.....	17
Баҳор баёти.....	17
Кумсаш.....	18
Шоирни эслаб.....	20
Чўлда.....	21
Муаллим хақида шингил шеърлар.....	22
Ичон қалъа.....	23
Тадбиркор шогирдимсан.....	24
Бахт ва шодлик куйчиси.....	25
Профессор Сайджон Алиевга.....	25
Раққосага.....	26
Илҳом булоғи.....	26
Мұхабbat алансаси.....	27
Истиқлол меваси.....	28
Муаллимни куйлайман.....	29
Бобо қувончи.....	30
Неварамнинг шеърини ўқиб.....	31
Неварам паҳлавонга.....	32
Дарсхонам.....	33
Унутилмас онлар.....	35
Бағишлиов.....	36
Қалб нидоси.....	37

Бободеҳқоним.....	38
Орзу.....	39
Нурота.....	39
Шодлик таронаси.....	40
Таъзим.....	41
Қутлов.....	42
Ёр жамоли.....	43
Сулув қиз.....	44
Юртимни куйлайман.....	45
Истиқлол офтоби.....	46
Қалб.....	47
Доғда қолдим.....	48
Онажоним.....	49
Мехридарё.....	50
Қизимнинг шеъри.....	51
Тўртликлар.....	51
Дорилфунунга.....	52
Севгилим.....	53
Ишонгин.....	54
Ассалом Наврӯз!.....	55
Хасадгўй.....	57
Пешкўмисан.....	58
Андишасиз.....	59
Она—улуг зот.....	60
Ошиқ йигит изтироби.....	61
Жононасан.....	62
Қомусий олим.....	63
Постда.....	64

**Муҳаррир *А.Азимов***  
**Мусаввир *Ҳ.Ҳудойбердиев***  
**Бадиий муҳаррир *А.Турсунов***  
**Техник муҳаррир *Т. Смирнова***  
**Мусаҳҳиҳ *Ш. Нишонов***  
**Саҳифаловчи *Б.Ирисбоев***

Адабий-бадиий нашр

**Сулаймон Мурод**  
**ҚАЛБ**  
**ГАВҲАРИ**

*Шеър ва ғазаллар*

Босишга рухсат этилди 14.03.2008 Бичими 84x1081/32.  
Ҳажми б.т 2,0 Нусхаси 1000  
Буюртма №41. Шартнома №29/3.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 33-үй.